Ушбу сонда:

2-3 ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

4 *Оғриқ нуқталар* АВТОБУСГА ТОШ ОТГАН КИМ?

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 2 февраль, шанба №21 (1238)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Киши олис. Қирлар ортида сурув-сурув қўй боқаётган чўпонлар учун катта синов. Хўжалик раҳбари Зиёқул Зиёдуллаев ва касаба уюшма қўмитаси раиси Эгамберди Нуралиев чўл бағридаги отарга етиб келганларида қош қорая бошлаган эди. Уларга бош чўпон Холиқ Шерғозиевнинг ўзи пешвоз чиқди. Унинг руҳи тетик, кайфияти яхши эди.

ОЛИС ҚИРЛАР ОРТИДА

— Ҳозиргина қўйларни яйловдан қайтариб келдик, - деди у, — кечаси қаттиқ совуқ бўладиганга ўхшайди. Туни билан совлиқларни қўзғаб турмасак, тўл мавсумида қийин бўлади.

Хўжалик раҳбарлари қўйчивонлар билан дилдан суҳбатлашдилар, оила аъзолари учун ун, гуруч, ўсимлик ёғи, қанд-шакар ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, қишки иссиқ кийим-кечак қолдириб, иккинчи яйловга ўтиб кетишди.

— Чорвадорлар матонатли, ташаббускор кишилардир, - дейди хўжалик раҳбари. — Биз биринчи навбатда эл дастурхонини тўкин қилаётган, моддий бойлик яратаётган кишилар меҳнатини қадрлаш, етарли шароитлар яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Қашқадарё вилоятидаги «Нишон» қоракўлчилик наслчилик кооператив хўжалиги илғор тажриба, фан ютуқлари, фидойи меҳнат туфайли вилоятда иқтисоди бақувват хўжаликлардан бирига айланди.

Тараққиёт йўлига ўтишнинг асосий сабаби эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, илғор тажрибаларни дадиллик билан қўлланиш, жамоа аъзолари орасида юксак интизом ва уюшқоқликни таъминлаш, чўпон-чўлиқлар ва уларнинг оилаларига ғамхўрлик яхшиланганлиги туфайлидир.

Хўжаликда қатъий ҳисоб-китоб механизми жорий этилган, меҳнатга ҳақ тўлаш чек усулида олиб борилаяпти.

Қарши чўлининг ўзлаштирилиши оқибатида яйловлар анча камайди. Мавжуд 100 минг гектарга яқин майдон қўй-қўзиларни яйратиб боқиш учун тўлиқ имконият бермайди. Шуни ҳисобга олиб, хўжаликда ғалла ва беда майдонлари кўпайтирилди. Қўшимча соҳа-пахтачилик билан шуғулланишга киришилди. Режалар ошириб бажарилаётганлиги натижасида давлатдан кунжара, аралаш озуқа ва бошқа маҳсулотлар олиш имкони яратилди.

Ҳозирги пайтда 6 қўйчилик фермасидаги 80 отарда 55 минг қўй-қўзи боқилмоқда. Ўтган йили тўл мавсумида 27 минг бош совлиқнинг ҳар юзидан юстадан қўзи олинди. Қурғоқчилик шароити ҳисобга олиниб, 15147 бош қўзи ўстиришга қолдирилди.

— Асосий тармоқ чорвачиликдан 79 миллион ўрнига 142 миллион сўм даромад олдик, - дейди бош ҳисобчи Р.Юсупов. Маҳсулот сифати яхшиланганлиги, ҳар бир сўм ва тийин аниқ ҳисоб-китоб қилинганлиги, энг муҳими, чорвадорлар ўзларининг меҳнат самарасидан манфаатдор бўлганликлари муваффақиятни таъминламоқда.

Соф фойда ҳисобидан мулкдорларга 5 миллион 900 минг сўм дивидент тўғри келмоқда. Шартномавий режаларини ошириб бажарган чўпонларга 1200 бош қўзи мукофотга берилди. Бу пулга чақилганда 6 миллион сўмни ташкил этади.

«Керкинчак» яйловида жойлашган Шербой Аҳмедов, «Қирқулоч» яйловида қўй боқаётган Эгамберди Жумаев мудир бўлган фермерлар яхши кўрсаткичларга эришяптилар. Масалан, 4-ферма бош чўпони Омон Шерқулов фаолиятини олиб кўрайлик. Қирқ йилдан бери қўй-қўзи кетидан юриб бу тажрибали чорвадор кам бўлгани йўқ. Рўзғори бут. Ўтган йилги мавсумда Омон ака боқувидаги 700 бош совлиқнинг ҳар юзидан 110 тадан қўзи олиб, унинг 500 қўзини ўстиришга қолдирди.

ЁЛҚИН.

Матонатли кишилар

Ёғингарчилик кам бўлганлиги учун тадбиркорлик билан, вазиятга қараб иш юритишга тўғри келди.

Якунга кўра О.Шерқулов отарида 1 миллион 665 минг сўм даромад олинди.

Хўжалик деҳқонлари 1700 тонна дон тайёрлаб, йиллик режани ошириб бажардилар. Қишлов учун 60 минг тонна ем-хашак жамғарилди. Хўжаликда бу йил бизнес режа бўйича 40 миллион сўмлик соф фойда олиш мўлжалланмоқда. Унинг 10 миллион сўми қурилиш-ободончилик, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга сарфланади.

Дарҳақиқат, фуқаролар тўғрисида ғамхўрлик яхшиланмоқда. Қишлоқда яшовчи ногиронларга 200 минг сўмлик маҳсулот бепул тарқатилди. Чорвадорларга 70 тонна дон, 20 тонна ўсимлик мойи берилди. Чўпон-чўлиқларнинг 60 нафар фарзанди ўқийдиган мактаб-интернатга 200 минг сўмлик жиҳозлар ҳадя қилинди. Акмал Икромов номли мактабни таъмирлаш учун 500 минг сўм маблағ ажратилди. Хўжалик кутубхонасига 100 минг сўмлик янги китоблар келтирилди. Қишлоқда чорвадорлар учун иссиқ кийим-кечак тикадиган цех очилиб, 10 нафар киши иш билан таъминланди.

Яйловлар оппоқ қор билан қопланган. Қишнинг аччиқ изғирини кўзни очирмайди. Лекин, чўлнинг фидойи чорвадорлари аёзни писанд қилмай яйлов кезмоқдалар.

Асака туманидаги «Наврўз» ширкат хўжалиги ўтган йили қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида сезиларли ютуқларга эришди. Жумладан, чорвачиликда хўжалик тумандаги энг пешқадамлардан ҳисобланади.

Жорий йилда ширкат хўжалиги чорвадорлари давлатга 15 тонна гўшт, 120 тонна сут ва бошқа неъматлар етиштиришни режалаштирган. Ҳозирги кунда чорвачилик фермасида зотдор сигирлар бўлиб, уларнинг ҳар биридан кунига 8-10 литрдан сут соғиб олинмоқда.

Суратда: илғор сут соғувчи Қундузхон Исоқова.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ 2002 ЙИЛ 27 ЯНВАР КУНИ ЎТКАЗИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ

Марказий сайлов комиссияси 27 январ куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдуми якунларини кўриб чиқди. Умумхалқ референдуми кенг демократик асосда, очиқ ва ошкора, кенг жамоатчилик вакиллари, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари кузатувчилари иштирокида ўтганлиги қайд этилди. Референдум қатнашчиларига ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилди. Референдумда овоз берувчилар рўйхатига киритилган 13.266.602 нафар фуқароларнинг 12.113.070 нафари ёки 91,58 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари тўғрисидаги Баённи тасдиқлади. Ушбу Баённга кўра «Сиз келгуси чақириқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?» деган биринчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.344.242 нафари ёки 93,65 фоизи ёқлаб, 768828 нафари ёки 6,35 фоизи қарши овоз берган.

«Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришга розимисиз?» деган иккинчи масала юзасидан овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 11.117.841 нафари ёки 91,78 фоизи ёқлаб, 995229 нафари ёки 8,22 фоизи қарши овоз берган.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг референдуми бўлиб ўтгани ва умумхалқ овозига қўйилган масалалар фуқаролар томонидан маъқулланган ҳақида қарор қабул қилди.

ПРЕЗИДЕНТ АСАРЛАРИНИ ЎРГАНАМИЗ

Мустақил юртимизнинг барча музофотларида бўлғани каби Узун туманида ҳам "Президент асарларини ўрганиш" ойлиги муваффақиятли давом этмоқда.

Туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Маънавият ва маърифат бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда яқинда ўтказилган тадбирларда икки минг нафардан зиёд аҳоли иштирок этди. Айниқса қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, 4-ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлиб ўтган учрашувлар чоғида иштирокчиларнинг Президент асарлари тўғрисида пухта билимга эга эканликлари махсус ҳайъат томонидан юқори баҳоланди.

Ойликнинг учинчи босқичи туман маҳаллаларида ўтказилади.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

НЬЮ-ЙОРКДА КАТТА АНЖУМАН

Нью-Йоркда «Уолдорф Астория» меҳмонхонасида Жаҳон Иқтисодий Ҳамжамиятининг навбатдаги мажлиси иш бошлади. Унда юздан ортиқ мамлакатлардан 300 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Тадбир иштирокчилари бир неча кун давомида ўтган йилнинг 11 сентябрида АҚШда юз берган террорчилик хуружларининг жаҳон иқтисодиётига таъсири билан боғлиқ масалаларни, БМТ ва дунёвий иқтисодиёт, терроризмга қарши кураш, гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчилик муаммоларини муҳокама қиладилар. Анжуман 4 февралгача давом этади. ЖИҲ анжуманини тинч ўтказиш, унинг иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 3800 нафар полициячи жалб этилди. Осойишталик посбонларининг 700 нафари эса заҳирада турибдилар. Шаҳар полицияси комиссари Реймонд Келли ЖИҲ мажлиси кўнгилдагидек ўтади, деб умид билдирди.

БМТда МАЪҚУЛЛАНДИ

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай фаолиятини маъқуллади. Айниқса, халқаро ташкилот ўтиш даври ҳукуматининг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчиликка қарши шафқатсиз курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолайди ва бу борада зарур бўлган ёрдамни беришга тайёр, деди БМТ вакили.

Ҳ.Карзай АҚШ сафаридан сўнг Буюк Британияга йўл олди. У ерда Англия бош вазири Тони Блэр ва бошқа юқори мартабали арбоблар билан учрашди. Фикр алмашишлар давомида Ҳ.Карзай тинчликпарвар кучларни бутун мамлакат бўйлаб жойлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади, фақат Қобулни ҳимоя қилиш билан иш битмайди, деди. Лекин Англия билан АҚШ ҳозирча бу режага розилик бермай турибдилар.

МУҲИМ ТАКЛИФ

Оврупо Иттифоқи ташқи ишлар вазирлари билан музокара ўтказган Италия бош вазири Силвио Берлускони Брюсселда Яқин Шарқ масаласи бўйича халқаро анжуман ўтказиш таклифини илгари сурди. Унинг айтишича, ушбу анжуманни имкон қадар тезроқ ташкиллаштириш лозим. Унда БМТ, АҚШ, Россия ва Араб давлатларидан вакиллар иштирок этиши зарур.

АЛОҚАЛАР ТИКЛАНАДИ

Жанубий Корея Афғонистон билан дипломатик алоқаларини тикламоқчи. Хабарларга кўра, ушбу мамлакат ташқи ишлар ва ташқи савдо вазирлиги вакили Ли Хи Соб Нью-Йоркда Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулла Абдулла билан шу масалада музокара ўтказди.

АҲОЛИ РЎЙХАТГА ОЛИНАДИ

Россия Федерацияси Президенти В.Путин «Бутунроссия аҳолисини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қонунга имзо чекди. Эндиликда бу тадбир жорий йилнинг 9 октябридан - 16 октябри оралиғида бўлиб ўтади. Илгари мазкур мамлакатда аҳоли 8 марта шундай «чиғириқ»қа дучор бўлган ва бу жараён фақат ҳукумат қарорлари асосида амалга оширилганди. Энди «Инсон ва фуқаронинг жамоатчилик мажбурияти» таомилига биноан паспорт ёхуд шахсий бошқа ҳужжат керак бўлмайди. Варақалар фақат сўралувчиларнинг жавоблари асосида тўлдирилади.

АНСОРИЙ УШЛАНСИН!

Ҳиндистон разведкаси маълумотига кўра, 22 январ куни Калкутта шаҳрида АҚШнинг ахборот марказига ҳужум уюштирган ҳиндистонлик Офтоб Ансорий ҳозир Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида яшириниб юрибди. Яқинда расмий Деҳли Ансорийни ушлаб беришни сўраб, БАА раҳбариятига мурожаат қилди. Ушбу жиноятчига Интерпол ҳам халқаро қидирув эълон қилган.

ЯНА НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда минглаб ишсизлар навбатдаги норозилик намойишини ўтказдилар. Кўчага чиққанлар президент қароргоҳи жойлашган майдонга тўпланиб, ҳукуматдан ўзларини иш билан таъминлашни талаб қилдилар. Маълумотларга кўра, бу мамлакатда ишсизлик даражаси 20 фоизни ташкил этмоқда. Айрим чекка жойларда эса бу кўрсаткич ундан ҳам юқори.

Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона шаҳар кенгаши олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, коллеж, лицей талабалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Камолот» олимпиадасини ўтказди.

«КАМОЛОТ» СТИПЕНДИАТЛАРИ

Аълочи, иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш, билим ва маҳоратларини ошириш учун керакли шарт-шароит яратиб бериш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир бахсларида олтмиш нафар талаба ва ўқувчи уч босқичда ўзаро баҳс олиб борди.

Олимпиада иштирокчилари соҳаларига оид тест синовидан ўтишди. Ватан тарихи, миллий қадриятлар, маданий меросимизни ўрганиш ва қадрлаш борасидаги нотиқлик маҳоратини намоён этишди. Ўзлари танлаган касб йўналишларига оид саволларга жавоб беришди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан 14 нафар талаба ва ўқувчи «Камолот» стипендиясига тақдим этилди. Улар эришган натижаларига кўра йил давомида минг сўмдан уч минг сўмгача махсус стипендия олади.

(ЎзА).

БОЛАЛАРГА СОВҒА

Томди туманида кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Яқинда ана шундай оилаларнинг фарзандларидан 230 нафарига Америка Қўшма Штатларидан юборилган инсонпарварлик ёрдами — иссиқ курткалар топширилди. Тумандаги корхона ва ташкилотлар эса 175 нафар болага ўз совғаларини ҳадя этишди.

Ҳозир 3387 нафақахўрдан 952 нафарини катта ёшдаги ногиронлар ташкил этади. Уларга ҳар байрам ва саналар муносабати билан дастурхон ёзиш ва совғалар топшириш анъанага айланган. Туман ҳокимлиги ва ижтимоий таъминот бўлими «Қарияларни қадрлаш йили»да уларни ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш бўйича махсус тадбирларни ишлаб чиқди.

Я. САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Таҳририятга хат келди. Унда Мойли Жўраев 1998 йил 8 август куни иш жойида жароҳат олиб, шундан буён даволанаётганлиги, 235-механизациялашган кўчма жамланма маъмурияти тўланиши керак бўлган 53424 сўм товон пулини бермасдан овора-ю сарсон қилиб юрганлиги ва уни ундиришда ёрдам бериш сўралган.

«Ишонч» ёрдами билан

ТОВОН ПУЛИ УНДИРИЛДИ

Хат муаллифи Элмира Примқулова хонадонида бўлиб, аҳвол билан танишдик. Оила бошлиғи Мойли Жўраев шифохонада даволанаётган экан. Касалхонага бордик. Уни дард анча қийнаб қўйганлиги кўриниб турарди. Қирчиллама ёшида, тоғни урса талқон қиладиган йигит, тенгдошлари қатори оила аъзолари даврасида, меҳнат жамоасида соғ-саломат ишлаб юришга ҳақли эди. Аммо у ишлаётган корхона мутасаддилари «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунга беписандлик билан қараганликлари, иш жойида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилинмаганлиги туфайли бахтсиз ҳодиса юз берди.

Жамоадаги масъул кишиларнинг эътиборсизлиги боис, икки йилдан буён Мойли тўшакка михланган. Ҳужжатларда қайд этилишича, Нишон туманидаги «Пахтаобод» хўжалигида қад ростлаётган мактаб қурилишига цемент олиб бораётган Мойли Жўраев бошқараётган трактор-нинг узатма тасмаси ишдан чиқади. Натижада тракторни созлашга киришган бир пайтда қияликда турган трактор юриб кетиб, Мойли қаттиқ тан жароҳати олади. Комиссиянинг махсус текшириш далолатномасида юқоридаги воқеалар қайд этилиб, трактор экспертиза хулосасига кўра ишлатиш мумкин эмаслиги уқтирилади. Ана шунга биноан унга етказилган зарарни корхона ўз вақтида тўлаши керак ва амалдаги қонунларда бу ҳолат қайд этилган эди. Лекин орадан кўп вақт ўтган бўлса-да, Мойли Жўраев ўзига тегишли товон пулини ололмасдан овора-ю сарсон бўлиб юрганлиги кишини ажаблантиради.

Воқеа тафсилотини ўрганиш мақсадида 235-механизациялашган кўчма жамланмада бўлганимизда бу ердаги аҳвол ҳамон кўнгилдагидек эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Бир вақтлар ишчилар билан гавжум бўлган корхона эндиликда ҳувиллаб ётибди. Яқин 2-3 йил оралиғида корхонада бир неча бор раҳбар алмашган бўлса-да, ишчилар учун бирор жўяли иш қилингани кўзга ташланмайди. Аксинча, корхона талон-тарож бўлган.

— Бола тарбияси учун тўланиши лозим бўлган 105603 сўмни ҳозиргача ололмай юрибман, — дейди ходимлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган Дилафрўз Хидирова. — Бормаган жойим, учрашмаган мутасаддилар қолмади. Болам 1 ёшдан ўтган бўлсада, ҳанузгача суюнчи пули ҳам қўлимга теккани йўқ...

— Беш нафар бола билан қийналиб қолдик, — дейди Мойли Жўраевнинг турмуш ўртоғи Элмира Примқулова. — Кўп жойга мурожаат қилдик, лекин фойдаси бўлмаяпти...

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: мақола чоп этилаётганда газета аралашувидан сўнг тегишли ташкилот раҳбарлари хонадонда бўлиб, аҳволни батафсил ўрганишгач, кўп ўтмай Мойли Жўраевга товон пули тўланганлигини маълум қилишди.

2002 йил учун ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИНИ

1

Жамоа шартномалари «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури»да белгилаб берилган касаба уюшмаларининг ўз аъзоларини ҳимоя қилиш вазифасини амалга оширишда асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда, жамоа шартномаси — корхона (ташкилот, муассаса)[1]да иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий, касбга оид муносабатларни тартибга солувчи ва барқарорлаштирувчи меъёрий ҳужжат эканлигини меҳнаткашлар ҳамда иш берувчилар англаб етмоқдалар.

Жамоа шартномалари ходимлар билан иш берувчиларнинг меҳнатга оид муносабатларини шартнома асосида тартибга солиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини мувофиқлаштиришга ёрдам бериш мақсадида тузилади, чунки амалдаги қонунлар бу борада фақат энг кам миқдордаги ижтимоий зарурият даражасини белгилаб берган.

Жамоа шартномалари, мулкчилик шакли, қайси идорага бўйсуниши ва ходимлар сонидан қатъий назар, корхоналар ва уларнинг юридик шахс ҳуқуқи берилган таркибий бўлинмаларида тузилади. Жамоа шартномаси амал қилиш муддатини томонлар белгилайди, одатда бу муддат ҳаракатдаги тармоқ келишувининг амал қилиш муддатидан ошмайди.

Меҳнат жамоаси умумий мажлиси (конференцияси) маъқуллаган, корхона раҳбари ва касаба уюшма қўмитаси раиси (ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи раҳбари) имзо чеккан жамоа шартномаси меъёрий-мажбурий кучга эга бўлади.

Жамоа шартномаси тузилиши олдидан иш берувчи билан касаба уюшма ўртасида музокаралар олиб борилади. Томонлардан бирининг талаби, ташаббуси музокараларни бошлаш учун асос бўла олади. Бунда касаба уюшмаси ёлланма ходимлар номидан қатнашади, уларнинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Музокаралар олиб бориш учун томонларнинг баробар сонли вакилларидан иборат комиссия ташкил этилади. Комиссия таркиби, томонлар вакилларига бериладиган ваколатлар, музокаралар давомида уларнинг иш жойи, маоши, меҳнат ва ижтимоий имтиёзлари сақланиб қолиниши масалалари томонларнинг қўшма қарори билан тасдиқланади. Музокара иштирокчиларига жамоа шартномаси мазмунини ташкил этувчи масалаларни танлаш ва муҳокама этишда тўла эркинлик берилади.

Комиссия ишлаб чиққан жамоа шартномаси лойиҳаси корхонанинг таркибий бўлинмаларида муҳокама қилинади ва тушган танқидий фикр-мулоҳазалар ҳамда таклифлар ҳисобга олиниб, меҳнат жамоасининг умумий мажлиси (конференцияси) муҳокамасига қўйилади. Жамоа шартномасига томонлар унинг лойиҳаси умумий мажлисда маъқулланганидан кейин уч кун ичида имзо чекишади.

Жойлардаги аҳволни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, жамоа шартномаларини қабул қилиш жараёнида ҳамма вақт ҳам қонун талабларига риоя қилинмаяпти. Масалан, Меҳнат кодексининг 40-моддасига биноан жамоа шартномаси лойиҳасини маъқуллаш меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (конференцияси) ваколатига киради. Лекин, қатор корхоналарда ушбу жараён касаба уюшмаси мажлиси (конференцияси), касабақўм йиғилиши, маъмурият ва касабақўмнинг қўшма мажлиси, акциядорларнинг умумий йиғилиши, хўжалик органи бошқарув кенгашининг мажлиси зиммасига юклатилгани ноқонуний ҳолатдир.

[1] Қуйида "корхона" деб юритилади

2

Жамоа шартномаси бажарилишини текшириб борувчи комиссиялар кўп ҳолларда ташкил этилмаяпти. Баъзида бундай комиссиялар расмиятчилик учунгина тузилиб, улар томонидан текширув далолатномалари ё умуман ишлаб чиқилмаяпти ёки далолатномаларни тузишда юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Ушбу комиссиялар таркибига касабақўм раислари киритилиши ҳам мантиққа зиддир.

Баъзида жамоа шартномалари юридик шахс мақомига эга бўлмаган корхона, ташкилот ва муассасаларда ҳам қабул қилинаяпти, бундай шартнома юридик кучга эга эмас.

Жамоа келишувлари ва шартномаларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлашда ҳам аҳвол ҳамма жойда бирдек эмас. Тармоқ келишувлари жойларга етказилмаганлиги сабабли бир қатор тармоқларда тузилаётган жамоа шартномаларида уларнинг талаблари акс эттирилмаяпти. Баъзи корхоналарда жамоа келишувининг матни мавжуд бўлса-да, унинг талаблари жамоа шартномасига тўлалигича киритилмаяпти ёки келишув нормалари пасайтириб юборилмоқда.

Жамоа шартномаларига қонун талабларига зид бандлар ҳамон киритилмоқда. Улар орасида қуйидагилар айниқса кўп учрайди:

- нормал меҳнат шароитларида иш ҳафтаси узунлигини 40 соатдан кўп миқдорда белгилаш (МК 115-моддасига зид);
- ходимнинг розилигисиз уни ишдан ташқари вақтдаги ишларга жалб этиш мумкинлиги (МК 124-моддасига зид);
- ходимларнинг йиллик асосий таътилини 15 иш кунидан кам миқдорда белгилаш, шунингдек, сабабсиз ишга чиқмаган ходимларнинг меҳнат таътилини 12 кунгача камайтириш (МК 134-моддасига зид);
- барча асосий ва қўшимча таътилларни жамлаганда уларнинг муддатини 48 кундан кам миқдор билан чеклаш (МК 140-моддасига зид);
- интизомий таъсир чораси сифатида ёки «ишлаб чиқариш зарурияти»дан келиб чиқиб, меҳнат таътилидан фойдаланиш вақтини ходимнинг розилигини олмай бошқа муддатга кўчириш (МК 144-моддасига зид);
- ходимни ҳақ тўланмайдиган таътилга иш берувчи ташаббуси билан чиқариб юбориш мумкинлиги (МК 150-моддасига зид);
- зарарли шароитлардаги иш учун бериладиган сут маҳсулотлари ва қўшимча таътилни пуллик компенсация билан алмаштириш мумкинлиги (МК 151-моддасига зид);
- ходимнинг иш вақтидан ташқари вақтларда, дам олиш ва байрам кунларида, тунги вақтда бажарган иши учун тўланадиган устаманинг қонунда белгиланган энг кам миқдорига нисбатан камайтирилиши, ходимларнинг баъзи тоифаларига эса — умуман тўланмаслиги (МК 157- ва 158-моддаларига зид);

3

- ходимнинг айбисиз иш тўхтаб қолганда унга қонунда кўрсатилган миқдордан кам ҳақ тўлаш (МК 158-моддасига зид);
- меҳнатга ҳақ тўлаш муддатларини белгиламаслик ёки ойига 1 марта тўланишини назарда тутиш (МК 161-моддасига зид);
- Меҳнат кодексида назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлигига путур етган ходимга ёки нобуд бўлган ходим оиласига тўланадиган бир марталик нафақа миқдорини қонунда белгиланганига нисбатан камайтириб юбориш (МК 194-моддасига зид);
- 12 ёшга тўлмаган иккита ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларнинг 3 кунлик қўшимча ижтимоий таътил олиш ҳуқуқини чеклаш (МК 232-моддасига зид);
- компьютерда мунтазам ишловчи ходимларга камида 12 иш кунидан иборат қўшимча таътилларни ўрнатмаслик (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарорига зид).

Шунингдек, кўплаб жамоа шартномаларида «меъёрланмаган иш куни», «бошқа ишга ўтказиш йўли билан ишга қабул қилиш», «мажбурий тарздаги маъмурий таътиллар» каби амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган тушунчалар қўлланилмоқда.

Жамоа шартномаларининг аксариятида меъёрий тусдаги қоидалар жамоа шартномасида мустаҳкамлаб қўйилиши шарт деб бевосита кўрсатма берилган Меҳнат кодексининг 94-, 95-, 103-, 117-, 119-, 123-, 130-, 132-, 148-, 159-, 166-,170-, 185-, 203-, 216-, 217-, 236-, 240-, 249-, 262-моддалари талаблари ўз ечимини топмаяпти.

Мазкур тавсияларда 2002 йил учун жамоа шартномаларини тузишда эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлган асосий масалалар келтирилган.

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Жамоа шартномаси томонлари.

1.2. Жамоа шартномасининг кучга кириш вақти ва амал қилиш муддати.

1.3. Жамоа шартномасининг ходимлар тоифалари, корхона бўлинмаларига нисбатан амал қилиш доираси, меъёрий ҳужжат сифатидаги мақоми.

1.4. Жамоа шартномасини қайта тузиш шартлари, унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби.

1.5. Жамоа шартномаси ижросини оммавий тарзда текшириш муддатлари.

1.6. Касаба уюшма қўмитаси тақдимномаларини иш берувчи томонидан кўриб чиқиш муддатлари ва мажбуриятларни бажармаганларга нисбатан кўриладиган чоралар.

1.7. Келишмовчиликларни ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида ҳал этиш йўллари.

II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Касаба уюшма томонидан ишлаб чиқаришни юксалтириш ходимлар фаровонлигининг негизи эканлигини эътироф этилиши.

4

2.2. Иш берувчи томонидан касаба уюшма қўмитасини корхона ходимларининг ягона ваколатли вакили сифатида тан олиниши.

2.3. Томонлар касаба уюшмаси аъзолик бадалларининг корхона бухгалтерияси орқали пул ўтказиш йўли билан тўланиши тартибини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

2.4. Иш берувчининг мажбуриятлари:

а) жамоа шартномасига кирмаган ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича қарорлар қабул қилишдан олдин касаба уюшма қўмитаси билан олдиндан келишиб олиш;

б) касаба уюшма қўмитаси талаб қилганда унга меҳнат ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш;

в) касаба уюшма қўмитасининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташкилий техника, алоқа воситалари, канцелярия моллари билан бепул таъминлаш;

г) касаба уюшма қўмитаси ҳисоб рақамига маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишлари учун ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг _____% миқдорида пул ўтказиб бориш.

2.5. Касаба уюшма қўмитасининг мажбуриятлари:

а) корхонанинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш дастурларини бажарилишига кўмаклашиш, бу борада ходимлар ташаббуси ва ижодиётини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш;

б) қўлланилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари, иш ҳақи тўланиши, жамоа шартномаси бўйича қўшимча тўловлар берилиши тўғрилигини, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси шароитларини яхшилаш бўйича тадбирлар бажарилишини назорат қилиш;

в) меҳнат қонунчилиги бажарилишини назорат қилиш, ходимлар ҳуқуқий саводхонлигини юксалтиришга кўмаклашиш;

г) иш жойларидаги мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этилишига эришиш ва иш жойларини меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси ва саноат санитарияси қоидалари талабларига мувофиқ ҳолатга олиб келиш борасида иш берувчи томонидан тегишли чоралар кўрилишини талаб қилиш;

д) ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олиши ва соғломланиши учун ходимларнинг аризаларини тегишли соғломлаштириш масканларига йўлланмалар билан таъминлаш;

е) корхонада меҳнат ва турмуш шароитлари аҳволининг жамоат назоратини ташкил қилиш ва амалга ошириш;

ж) касаба уюшма аъзолари орасида меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тушунтириш ва ташкилий ишларни олиб бориш, можароларга сабаб бўлувчи вазиятларнинг олдини олиш юзасидан чоралар кўриш;

з) касаба уюшма аъзоларининг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

3.1. Жорий йилда бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми.

5

3.2. Режалаштирилган фойда миқдори ва уни тақсимлаш йўллари.

3.3. Хомашёни етказиб бериш шартномалари ва тайёр маҳсулотни сотиш.

3.4. Корхона таъсислигида барпо этилган қўшма, кичик ва бошқа ташкилотлар фаолият кўрсатишининг шартлари.

3.5. Ишлаб чиқариш дастурининг бажарилганлиги, молиявий аҳвол ва корхона фойдасидан фойдаланиш тўғрисида меҳнат жамоасини мунтазам хабардор қилиб бориш тадбирлари.

3.6. Ходимларни бозор муносабатларининг энг долзарб масалалари бўйича ўқитиш шартшароитлари.

IV. МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ (ХУСУСИЙЛАШТИРИШ)

4.1. Касаба уюшма қўмитаси вакилини ҳал қилувчи овоз билан хусусийлаштириш бўйича комиссия таркибига киритиш.

4.2. Хусусийлаштиришнинг асосий шакллари ва уни ўтказиш муддатлари, масъул мансабдор шахслар.

4.3. Корхона тасарруфидаги мол-мулкни касаба уюшма қўмитасининг розилигисиз сотилиши, бошқаларга ўтказилиши, ижарага берилишига йўл қўймаслик.

4.4. Мулк шаклларини ўзгартиришда унинг у ёки бу вариантини танлашда меҳнат жамоаси фикрини ҳисобга олиш.

4.5. Хусусийлаштириш ва корхона мулкини баҳолаш бўйича комиссия таркибида касаба уюшма қўмитаси вакилининг иштирок этиши.

4.6. Акцияларни чиқариш ва тақсимлаш тартиби, меҳнат жамоасида жойлаштиришга мўлжалланган акцияларнинг ходимлар томонидан тўла сотиб олинишини таъминлаш.

4.7. Хусусийлаштирилгандан кейин ижтимоий инфратузилма объектларини фаолият кўрсатиш тартиби.

4.8. Хусусийлаштириш жараёнида ходимларнинг айрим гуруҳларига имтиёзлар бериш.

4.9. Аввал тузилган жамоа шартномасини корхона хусусийлаштирилганидан кейин амал қилиш муддатлари ва шартлари.

V. МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизими ва ҳажми, натура шаклидаги тўловларни маълум фоиз билан чегаралаш, тўловнинг бу шакли қўлланилганда ижтимоий суғурта ва касаба уюшмалари аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказишни таъминлаш.

5.2. Ягона тариф сеткаси нуллик разрядининг мазкур корхонада ўрнатиладиган ставкаси, ўртача иш ҳақини етказиладиган даражаси.

5.3. Иш ҳақини тўлаш муддатлари. Иш берувчи (ёки унинг вакили сифатида қатнашувчи шахс)нинг айби билан иш ҳақини тўлаш кечиктирилганда, унинг миқдорини индексация қилиш масаласи, раҳбарга нисбатан кўриладиган чоралар.

5.4. Иш ҳақининг тариф ва нотариф қисмлари ўртасида оқилона мутаносибликни ўрнатиш.

6

5.5. Иш ҳақини спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, шунингдек, рўйхати Ҳукумат томонидан белгилаб берилган товарлар билан тўланишига йўл қўймаслик.

5.6. Меҳнатнинг янги нормалари, тариф сеткаси ва ишбай баҳоларни касаба уюшма қўмитаси билан албатта келишиб олиш.

5.7. Ходимларнинг турли гуруҳлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида низом.

5.8. Иш вақтининг янги нормаларини жорий этиш тартиби.

5.9. Ишлаб чиқариш нормаси камайтирилган шахслар (ногиронлар, ёш ишчилар, ҳомиладор аёллар ва бошқалар) рўйхати.

5.10. Ходимлар тоифалари учун жорий этиладиган устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг аниқ миқдорлари:

- ноқулай, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун қўшимча тўловлар;
- кечки, тунги сменалардаги, ишдан ташқари вақтлардаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар учун оширилган миқдордаги иш ҳақи;
- ишдаги иқлим шароитлари учун (ёз ва қиш фаслларида) қўшимча тўловлар;
- бригадага раҳбарлик қилгани учун, ўринбосарлик учун қўшимча тўловлар;
- кўп йиллик узлуксиз хизматлари учун, юқори касб маҳорати учун устамалар;
- ходимнинг хизмат даврида кўчиб юриш билан боғлиқ ишлардаги қўшимча харажатларини, шунингдек, бошқа жойга кўчиб бориш билан боғлиқ харажатларини, хизмат сафари давридаги суткалик харажатларини қоплаш;
- қишлоқ хўжалик ишларига жалб этилган ходимларнинг ўртача иш ҳақини сақлаб қолиш;
- иш берувчининг розилиги билан ходимга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, асбоблар, ашёлар ва ҳоказо)дан фойдаланилганда ушбу харажатларни қоплаш;
- ходимнинг айби билан қисман брак деб топилган маҳсулотга ҳақ тўлаш миқдорлари;
- иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик таклифларини жорий этиш ишида қатнашиш, хизмат сафарида бўлиш, тиббий кўрикдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори.

5.11. Йил якунлари бўйича мукофотлаш, тақдирлаш тизимлари.

5.12. Қўшимча имтиёзлар (овқатланишни арзонлаштириш, ишга бориб-келишдаги транспорт харажатларини қоплаш ва ҳоказо).

VI. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ. БАНДЛИК КАФОЛАТЛАРИ

6.1. Касбига, малакасига ва меҳнат шартномасига мувофиқ ходимларни тўла-тўкис иш билан таъминлаш.

6.2. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишни фақатгина касаба уюшма қўмитасини олдиндан розилигини олиб амалга ошириш (корхона тугатилган ва корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари ва бош

ТУЗИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР 2002 йил учун

7

ҳисобчи билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно).

6.3. Ходим вақтинча бошқа ишга ўтказилган даврда унга бажараётган ишига қараб, лекин аввалги ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда иш ҳақи тўлаш. Бошқа ишга ўтказиш муддатининг чегараси, меҳнатга тўланадиган иш ҳақининг аниқ миқдорлари, шунингдек, ишлаб чиқариш зарурияти деб ҳисобланадиган ҳолатлар мезонлари.

6.4. Корхона ва унинг тизим бирликларини тугатиш ёки қайта ташкил этиш, ишлаб чиқаришни бутунлай ёки қисман тўхтатиш тўғрисидаги ниятни (агар бундай ҳолатлар иш жойларини қисқартирилишига ёхуд меҳнат шартларини ноқулай тарзда ўзгартиришга олиб келадиган бўлса) касаба уюшма қўмитасига камида икки ой олдин етказиш.

6.5. Иш ҳажми камайганда, мулк шакли ўзгарганда иш жойлари ва кадрларни сақлаб қолиш мақсадида ишловчиларни иш берувчи ҳисобидан қайта тайёрлаш ва қайта ўқитишни уюштириш.

6.6. Ходимлар сони қисқартирилаётганда:

а) ишдан бўшаган ходимларни иш билан таъминлаш учун цехлар, ижарали, кичик корхоналар барпо этишни кўзда тутиш;

б) вақтинча ишлайдиган ходимларни сонини чегаралаш, ўриндошликни таъқиқлаш, четда бажариладиган ишларни жамоанинг ўзига бериш;

в) ходимларнинг хоҳишига кўра уларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда қисқа муддатли таътиллар бериш;

г) қисқартириш тўғрисидаги огоҳлантириш амал қилаётган даврда ходимнинг ўз хоҳиши билан меҳнат шартномасини бекор қилинишини томонлар келишувига биноан огоҳлантириш муддатига мувофиқ келадиган пуллик компенсация тўлаш билан амалга ошириш;

д) ишга жойлаштириш ва бошқа касбга ўргатиш бўйича хизмат идоралари билан шартнома тузиш;

е) меҳнат бозорида рақобат қила олмайдиган ходимларнинг штатлар қисқартирилиши муносабати билан ишдан бўшатилишига йўл қўймаслик;

ж) қисқартириш ўтказилаётганда ишда қолдириш учун афзаллик ҳуқуқи бериладиган ходимлар тоифалари.

6.7. Меҳнат шартномаси томонларининг моддий жавобгарлиги. Иш берувчининг ходим келтирган зарарни қоплаш тўғрисидаги даъвосидан воз кечиш ҳоллари. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилиши лозим бўлган ходимлар тоифаларининг рўйхати.

VII. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ

7.1. Ходимлар учун иш ҳафтасининг узунлиги (соат):

— нормал меҳнат шароитларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун; (МК 115-моддасига биноан: 40 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— меҳнат шароити ноқулай ишларда банд бўлган ходимлар учун 15-сон иловада келтирилган рўйхатга мувофиқ; (МК 117-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

8

— 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— 16 ёшга тўлмаган ходимлар учун; (МК 242-моддасига биноан: 24 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган ходимлар учун; (МК 220-моддасига биноан: 36 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

— алоҳида тусга эга бўлган ишларда ва меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун; (Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарорида кўрсатилган меъёрлар)

— уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасаларда ишлаётган аёллар учун; (МК 228*-моддасига биноан: 35 соатдан ортиқ бўлиши мумкин эмас)

7.2. Ходимларни иш вақтидан ташқари вақтлардаги, кечки ва тунги вақтдаги, дам олиш ва байрам кунларидаги ишларни бажаришга жалб этиш тартиби.

7.3. Ходимлар турли гуруҳлари учун иш кунининг узунлиги.

7.4. Иш вақтини жамлаб ҳисобга олишни қўллаш тартиби, шунингдек, ҳисобга олинадиган давр мобайнида ходимларга ҳар ойда тўланадиган иш ҳақи миқдорини тенглаштиришга қаратилган чора-тадбирлар.

7.5. Йиллик асосий ва йиллик асосий узайтирилган таътилларнинг энг кам муддати .

7.6. Қўшимча таътиллар олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, қўшимча таътиллар муддати, уларни бериш тартиби ва шартлари.

7.7. Йиллик қўшимча таътилларни олиш ҳуқуқини берадиган иш стажини ҳисоблаб чиқаришнинг алоҳида қоидалари.

7.8. Табиий-иқлим шароитлари оғир ва ноқулай жойларда (хатто улар бундай жойларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланган рўйхатга кирмаган тақдирда ҳам) ходимларга йиллик қўшимча таътил бериш масаласи.

7.9. Йиллик таътиллар учун ҳақ тўлаш муддатлари.

7.10. Болалик аёл ходимлар учун:

— болани парваришлаш таътиллари вақтини кейинги ҳақ тўланадиган йиллик таътил олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига қўшиш шартлари;

— икки ёшга тўлмаган болани овқатлантириш учун бериладиган танаффусларнинг аниқ муддати ва уларни бериш тартиби.

7.11. Ходимга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътиллар бериш шартлари. Муддати икки ҳафтадан кўп бўлган иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллар вақтини ҳам йиллик асосий таътилни олиш ҳуқуқини берадиган меҳнат стажига қўшиш шартлари.

7.12. Ходимларга оилавий сабабларга кўра, шунингдек, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олаётган ходимларга, иш ҳақи сақланиб қолдириладиган қўшимча таътиллар (меҳнат таътилидан ташқари) бериш шартлари.

VIII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

9

(Мазкур боб бўйича батафсил тавсиялар газетамизнинг №20 сонида чоп этилган)

IX. МЕҲНАТ ИНТИЗОМИ

9.1. Ходимлар томонидан меҳнат вазифаларини бажарилишини мавжуд меъёрий ҳужжатлар (меҳнат шартномалари, Устав, корхона қўлланмаси, ички тартиб қоидалари) асосида назорат қилиниши ва амалга оширилиши.

9.2. Ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун рағбатлантириш турлари, уларни қўллаш тартиби, афзаллик ва имтиёзлар бериш.

9.3. Юбилей саналари ва пенсия ёшига етганда рағбатлантириш.

9.4. Ходимларнинг корхона (тармоқ)даги узлуксиз меҳнат стажи саналарини нишонлаш.

X. ИЖТИМОИЙ ИМТИЁЗ ВА КАФОЛАТЛАР

10.1. Болалик аёллар ва 18 ёшга тўлмаган шахсларга бериладиган қўшимча имтиёзлар.

Молиявий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, аввалги йилларда ўрнатилган қуйидаги имтиёзларни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқдир:

— болалар дам олиш оромгоҳлари, санаторийларига йўлланмалар қийматини қисман қоплаш;

— ходимлар фарзандлари учун дарсликлар, ўқув анжомлари ва мактаб формасини харид қилиш;

— ходимлар фарзандлари спорт секцияларида шуғулланишлари харажатларини қоплаш;

— болалик аёлларга қисқартирилган иш куни ёки қўшимча дам олиш куни берилишини таъминлаш;

— штатлари қисқартирилганда болалик аёлларга ишда қолдиришда афзаллик бериш;

— корхона ҳисобидан туғиш таътилларини ҳомиладорликнинг 5-6 ойидан бошлаб бериш;

— 2 ёшдан 3 ёшгача фарзанди бор аёлларга ҳар ойда моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

10.2. Ходимларнинг турли гуруҳлари учун ижтимоий-маиший имтиёзлар, қўшимча ижтимоий суғурталаш, моддий ёрдам кўрсатиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дам олиш ва санаторий-курортларда даволаш, уй-жой қурилиши масалалари ва ҳоказо.

10.3. 2002 йил «Қарияларни қадрлаш» йили деб эълон қилинганлиги муносабати билан қуйидаги имтиёзларни жорий этиш тавсия этилади:

— мазкур корхонадан пенсияга чиққан ишламайдиган пенсионерларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб бориш, корхонада ўрнатилган ижтимоий имтиёз ва кафолатларни уларга нисбатан ҳам татбиқ этиш, байрам саналари муносабати билан тақдирлаб бориш, уларга уй-жойни таъмирлаш, коммунал хизматлари тўловлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва доридармон билан таъминлаш бўйича ёрдам кўрсатиш;

— меҳнат фахрийларини тақдирлаш тадбирларини ўтказиш;

— юрак, жигар, буйрак ва бошқа касалликлар туфайли рўйхатда турган қарияларга корхона ҳисобидан бепул тиббий хизмат кўрсатиш ва соғлиқларини мустаҳкамлаш учун соғломлаштириш масканларига бепул йўлланмалар ажратиш;

10

— мазкур корхонадан пенсияга чиққан боқувчиси йўқ қарияларни рўйхатга олиб, уларга ҳомийлик қилиш;

— меҳнат қилаётган пенсионерларнинг ҳафта давомидаги иш вақтини 1 соатга қисқартириш, уларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар берилишини назарда тутиш.

(Мазкур бобга киритилган ижтимоий тўловлар миқдорини Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобида режалаштириш мақсадга мувофиқдир).

XI. МАДАНИЙ-ОММАВИЙ, ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТ ИШЛАРИ

11.1. Корхона, ташкилот ва муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этиш, уларнинг мунтазам равишда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

11.2. Маданият уйлари, саройлар ва клубларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни ўз вақтида таъмирлаб бориш ва жиҳозлаш.

11.3. «Маънавият ва маърифат» хоналари, клублар, маданият саройлари ва уйларини Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Мустақиллик йилларида чоп этилган замонавий адабиётлар (шу жумладан, «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» китоби) ҳамда плакатлар ва техник воситалар билан таъминлаш.

11.4. Маданият уйлари, саройлари ва клублар учун хўжалик органлари ҳисобидан меъёрий даражада маблағлар ва штатлар ажратиш.

11.5. Умумхалқ ва касб байрамлари арафасида кам таъминланган, кўп болалик, ёлғиз оилаларга, «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш.

11.6. Тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган Республиканинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар уюштириш.

11.7. Меҳнаткашлар фарзандларининг Янги йил арча байрами томошаларига ташрифини уюштириш, уларни хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан байрам совғалари билан тақдирлаш.

11.8. Меҳнат жамоалари ва ўқув юртларида жисмоний тарбия жамоаси ёки клубни тузишга эришиш. Уларда Республика Ҳукумати томонидан жорий этилган «Алпомиш» ва «Барчиной» махсус тестлари меъёрий талабларининг бажарилиши учун шароит яратиб бериш.

11.9. Меҳнат жамоаларида хўжалик органлари маблағлари ҳисобидан жисмоний тарбия бўйича йўриқчи лавозимини киритиш.

11.10. Меҳнат жамоаларида ишлаб чиқариш гимнастикасини жорий этиш.

11.11. Корхона, ташкилот ва ўқув юртлари тасарруфидаги спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш. Турар жой ва ётоқхоналар атрофида спорт майдончалари, кичик заллар қуриш ҳамда керакли спорт

11

жиҳозлари билан таъминлаш.

11.12. Меҳнаткашлар фарзандларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабларига кенг жалб этиш, уларни ва ота-оналарини спорт-соғломлаштириш гуруҳларидан имтиёзли равишда фойдаланишлари учун маблағ ажратиш.

11.13. Меҳнат жамоаларида, ўқув юртларида мунтазам равишда спорт турлари бўйича мусобақалар уюштириш, ғолибларни муносиб тақдирлаш, туман, шаҳар, вилоят, Республика ва халқаро мусобақаларда иштирок этишлари учун ҳар томонлама шароит яратиб бериш.

11.14. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларининг моддий-техника негизини мустаҳкамлаш, уларни мавсумга ўз вақтида тайёрлаш.

11.15. Оромгоҳларни эстетик жиҳатдан жиҳозлаш, болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича барча чораларни белгилаш.

11.16. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Маънавият ва маърифат» хоналари ва бурчаклари, кутубхоналар ташкил этиш ва уларни керакли кўргазмалар ва Президент асарлари ва янги бадиий асарлар билан таъминлаш.

11.17. Тасарруфидаги оромгоҳ ходимларини овқатлантиришни арзонлаштириш учун қўшимча маблағлар ажратиш.

11.18. Корхона ва ўқув юртлари қошидаги санаторий-профилактарийларда мактаб ўқувчиларини таътил даврида ўз ота-оналари билан биргаликда стационар ёки амбулатория тарзида соғломлаштириш.

XII. МЕҲНАТ НИЗОЛАРИ

12.1. Меҳнат низолари комиссиясини тузиш, унинг миқдорий таркиби ва ваколатлари муддати.

12.2. Меҳнат низолари комиссиясига сайланган ходимларга касабақўм аъзоларининикига тенг бўлган ҳуқуқий кафолатлар бериш.

XIII. КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ВА САЙЛАНИБ ҚЎЙИЛАДИГАН КАСАБА УЮШМА ФАОЛЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

13.1. Асосий ишидан озод қилинган касаба уюшма ходимларининг меҳнат жамоаси аъзоси (акциядор) сифатидаги ҳуқуқлари, уларга корхонадаги барча имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш, уларнинг корхонада (тармоқда)ги узлуксиз иш стажи сақланиб қолиниши.

13.2. Корхона Устави лойиҳаси хусусида касаба уюшма қўмитаси билан мажбурий равишда келишиб олиш.

13.3. Асосий ишидан озод қилинмаган касаба уюшма сайланма ходимларининг касаба уюшма вазифаларини бажариш учун кетган вақтига ҳақ тўлаш.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИГА ИЛОВАЛАРНИНГ ТАВСИЯВИЙ РЎЙХАТИ

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича келишув.
2. Ходимларни жорий мукофотлаш тўғрисидаги низом.
3. Меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
4. Корхонада қабул қилинган тарификация.

12

5. Кўп йиллик хизматлари учун устама тўлаш тўғрисидаги низом.
6. Йил якунлари бўйича рағбатлантириш тўғрисидаги низом.
7. Навбатдаги меҳнат таътилига кетишда моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
8. Моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги низом.
9. Ходимга тегишли мол-мулкдан фойдаланилганда ҳаражатларни қоплаш тўғрисидаги низом.
10. Пенсияга чиқишда бир марталик моддий ёрдам пулини тўлаш тўғрисилаги низом.
11. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибдаги ҳимоя воситаларини бепул оладиган касб ва лавозимлар рўйхати.
12. Ишлаган кунларида бепул совун оладиган касблар рўйхати.
13. Ишдан ташқари вақтларда, тунги, кечки вақтларда, дам олиш ва байрам кунларидаги ишлар рўйхати ва бундай ишларга жалб қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати.
14. «Ишлаб чиқариш зарурати» деб эътироф этиладиган ҳолатлар мезонлари.
15. Қўшимча таътил ва қисқартирилган иш куни ўрнатиладиган ноқулай меҳнат шаротларидаги касб ва лавозимлар рўйхати.
16. Ички тартиб қоидалари.
17. Тўла моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома тузиш мумкин бўлган ходимлар рўйхати.
18. Йиллик узайтирилган ёки қўшимча таътил ҳуқуқини берувчи лавозимлар рўйхати.
19. Ишламаётган ходимлар ўрнига ишлаганда қўшимча тўловларни аниқлаш ва тақсимлаш тартиби тўғрисидаги низом.
20. Талаба ва ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикасига раҳбарлик қилган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низом.
21. Корхонани капитал таъмирлаш ишлари режаси.
22. Қишги-баҳорги ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўриш режалари.

Юқорида баён қилинган тизимга мувофиқ тузилган жамоа шартномаси ўз кучини шартномада кўрсатилган муддатгача ёки томонлар янги шартнома тузганларига қадар сақлаб қолади. Унга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда жамоа шартномасини қабул қилишдаги тартиб қўлланилади.

Корхона таркиби, структураси, номи ёки раҳбари ўзгариши жамоа шартномаси тақдирига таъсир қилмайди.

Корхона мулк эгасини ўзгариши шартномани олти ой ичида қайта тузишни талаб этади. Агар томонларнинг биронтаси музокараларни бошлаш ташаббуси билан чиқмаса, жамоа шартномаси кўрсатилган муддатда ўз кучини йўқотади.

Жамоа шартномаси қандай бажарилганлиги тўғрисида унга имзо чеккан шахслар (корхона комиссияси томонидан тузилган далолатнома асосида) йилида камида бир марта (ёки жамоа шартномасида белгиланган муддатларда) меҳнат жамоаси умумий йиғилиши (конференцияси) олдида ҳисобот берадилар.

Ўзбекистон КУФҚ бўлимлари.

Фахр

Мадҳия Оврупо мамлакатларида гимн деб номланади ва юнонча «hymnos» сўзидан келиб чиққан бўлиб, мақтов маъносини билдиради.

Дастлабки мадҳиялар ҳақидаги маълумотларни Миср, Месопотамия, Ҳиндистон (масалан, «Ригведа» мадҳиялари) тарихига оид қадимги манбаларда учратамиз.

МАДҲИЯМИЗ!

Мадҳиянинг давлат мадҳияси, инқилобий, ҳарбий, диний мадҳиялар, халқ қаҳрамонларига бағишланган турлари мавжуд.

Қадимги Юнонистонда мадҳиялар худолар шарафига айтиладиган диний қўшиқлар (масалан, Аполлонга бағишланган пеан, Дионисга бағишланган дифирамб) бўлган. Шунингдек, кечки эллинизм даврида орфик мадҳиялар ижро этилган. Қадимда Гомер қаламига мансуб деб ҳисобланган, шу боис Гомер гимнлари номини олган эпик-тавсифловчи хусусиятга эга бўлган асарлар ҳам мадҳиялар деб аталган. Диний мадҳиялар кўпгина халқларда тарқалган.

Насронийлик ҳам черков ҳаётига ва ибодат одатларига кирувчи гимнографияни яратган (Кондак, Акафист, Канон). XV-XVI асрдаги ижтимоий-диний ҳаракатлар диний мадҳияларни юзага келтирган. Масалан, Олмонияда протестантлар (лютеранлар) хорали, Чехияда гусчилар қўшиқлари юзага келган.

Мадҳия жанри хор, опера ва симфония санъатида ўз ифодасини топган (масалан, Л.Бетховен тўққизинчи симфониясининг якунловчи хорлари).

Барча давлатларда давлат мадҳиялари мавжуд. Давлат мадҳияси — Ватанни, давлатни, тарихий воқеаларни, уларнинг қаҳрамонларини улуғловчи шеърий-мусиқий асар, давлатнинг рамзларидан биридир. Ўзбекистон Республикаси амалдаги Конституциясининг 5-моддасига биноан Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси, унинг тасвирланиши ва расмий қўлланиш тартиби қонун билан белгиланади. Ана шу мақсадда 1992 йил 10 декабрда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Мадҳия матни ҳам, унинг мусиқаси ҳам Ўзбекистонимизнинг гўзал табиатини, хусусан, серқуёш ўлка эканлигини, халқимизга бахт ва нажот эканлигини, ёр-биродарлар учун меҳрибон, бағри кенглиги, инсонпарвар, адолатпарвар мамлакат эканлиги, унда эркин ижод учун, инсон орзу-умидларининг ушалиши учун барча имкониятлар мавжудлиги ва яратилажаги тараннум этилади. Мадҳиямиз бугун дунё кезмоқда, мамлакатимизни ва халқимизни жаҳонга танитмоқда.

Нодира РАЗЗОҚОВА.

НАВОИЙ ИЖОДИ РУС ШАРҚШУНОСЛИГИДА

Рус шарқшунослигида Алишер Навоий мўътабар ўринни ишғол қилади. Умуман олганда, Россияда шарқшунослик XVII асрдан бошланди.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий ҳақида дастлабки илмий тадқиқот ёзган киши рус олими М.Никитский томонидан амалга оширилган эди. Унинг магистрлик диссертацияси сифатида ёзилган ва ёқланган «Амир Низомиддин Алишер, унинг адабий ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг аҳамияти» номли асари 1856 йилда Петербургда босилиб чиқди.

Бу асарда «Мир Алишер шарқ адабиёти тарихида шарафли ўринни эгаллайди» деган жумлаларни ҳам ўқиш мумкин.

1857 йилда профессор И.Березин томонидан тузилиб, Қозонда нашр этилган «Туркий хрестоматия» китобида Алишер Навоийнинг асарларидан парчалар эълон қилинади.

Бошқа бир рус шарқшуноси Н.Ильминский татар тилларига бағишланган асарида Алишер Навоийга туркий тил учун олиб борган курашига юқори баҳо бериб, у «ўз она тили учун зўр матонат билан қудратли кураш олиб борган киши эди», дейди.

Машҳур олим В.Вельяминов-Зернов Навоий асарлари асосида XVI асрда тузилган ва «Абушқа» номи билан шуҳрат топган луғатнинг илмий-танқидий матнини тайёрлаб, 1868 йилда нашр эттирди.

Атоқли рус шарқшунослари иштирокида «Мир Али-Шер» номи остида тўплам чиқарилди. 1928 йилда Петербургда нашр этилган бу тўпламни безаган асосий мақола академик В.Бартольднинг «Мир Али-Шер ва сиёсий ҳаёт» асари бўлди.

Рус шарқшунослигининг Навоий ижодини ўрганиш борасидаги изланишлари бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Кураш

ЖИЗЗАХЛИК ПОЛВОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Жиззахдаги олимпия заҳиралари коллежининг спорт мажмуида 1983-1985 йилларда туғилган ўғилқизлар ўртасида миллий кураш бўйича республика биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган 200 курашчи уч кун мобайнида ғолиблик учун беллашди.

Мусобақа якунига кўра, биринчи ўрин умумжамоа ҳисобида жиззахлик полвонларга насиб этди. Мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказган бухороликлар иккинчи, Тошкент шаҳри вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

Ҳикмат

Мард ва олийжаноб кишининг энг гўзал фазилатларидан бири — ўз бирodарларининг айбларини беркитиб, унинг барча ишларини бамисоли ўзининг ишлари ўрнида кўриб, иш тутишидир.

ЗАМАҲШАРИЙ.

Оғриқ нуқталар

АВТОБУСГА ТОШ ОТГАН КИМ?

Бухородан Тошкентга йўл олган «Мерседес» русумли йўловчи автобусни Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги 8-ўрта мактаб ўқувчилари тошбўрон қилишди.

— Автобусимиз соат ўнларда йўлга чиққан эди, — деди давлат белгиси 10L 96 10 рақамли «жабрдийда» автобуснинг йўловчиси Юлдуз Каримова мухбиримизга. — Янги, барча қулайликларга эга автобусда кимдир китоб ўқирди, кимдир газета. Баъзи йўловчилар пинакка кетган. Шу пайт автобус ойнасига тошлар келиб урилди. Бақир-чақир бошланди. Катта тезликда келаётган автобус илкис чайқалиб, ағдарилиб кетишига бир баҳя қолди. Ҳайдовчи чапдаст экан, автобусни йўл четида тўхтатиб, шериклари билан безориларни қувиб кетди.

Маълум, вақт ўтгач ҳайдовчилар автобусга тош отган болалардан бири Мирзо Улуғбек номли 8-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Жавлон Саматовни ушлаб келишди. У эса тошни ўзи отмаганини, балки буни ўртоқлари Рустам Тошев, Азиз Ҳакимов, Меҳриддин Барноев ҳамда Нурбек Рустамовлар қилганини айтди.

— Ойнага теккан тошдан даҳшатга тушдим, — дейди йўловчи Садафхон Тўқсонова дераза олдида ўтирган ўғли Назаржоннинг усти-бошидан ойна синиқларини териб оларкан.

— Юраги чатоқроқ киши бундай ҳолатдан ўлиб қолиши ҳам мумкин, — дея фикр билдирди яна биров. — Наҳотки буни мактаб ўқувчилари, уларнинг ота-онаси, ўқитувчилар тушунишмаса?

Шунинг учун зудлик билан участка вакили Толиб Қаюмовга мурожаат қилинди. У айбдорларга тегишли жазо берилишини айтди. Аммо бизни бошқа бир ҳолат таажжубга солди. Мирзо Улуғбек номли 8-ўрта мактаб директори «Ўқувчиларингиз автобусга нега тош отади?» деган саволимизга «Ўзларингиз мактаб олдидан тезроқ ўтган бўлсаларингиз керак-да», деди. Сўнг айбдорларга жазо кўрамиз деганча, ҳеч нарса бўлмагандек, шериги билан бамайлихотир шахмат ўйнашда давом этди.

Устозлар шогирдларининг шўхлигига ўрганиб қолишган чамаси. Бўлмаса бу қадар лоқайд бўлишмасди.

«Туркистон-пресс».

Қилмиш-қидирмиш

Бухоро вилоятининг «Олот» боҳхона мажмуаси тезкор гуруҳи кўшни республикага хуфёна олиб чиқиб кетилаётган талайгина теле-видеоускуналарни ушлаб қолди.

МАККАЖЎХОРИНИ БАҲОНА ҚИЛИБ

Туркманистон билан чегарадош айланма йўлларда махсус рейд ўтказаётган божхоначилар Олот туманининг «Ёмон жар» канали кўприги яқинида Б.Хидирбоев бошқарувидаги «ЗИЛ-157» автомобилни тўхтатди. Аввалига ҳайдовчи «тирикчилик важидан» моллари учун маккажўхори пояси олиб кетаётганини баҳона қилди. Бу гапларнинг қанчалик рост-ёлғонлиги божхоначилар юкхонадаги маккажўхори поясини ерга тушира бошлагач маълум бўлди. Маккажўхори пояси остига 9 миллион 303 минг сўмлик 37 дона теле-видеоускуна яшириб қўйилган экан.

Б.Хидирбоев ушбу юкни уч нафар туркманистонлик фуқарога 50 минг сўм ҳақ эвазига «Ёмон жар» канали кўпригигача етказиб беришга келишганини тан олди.

Фарғона вилояти «Фарғона» божхона маскани ходимларига «Бони» лақабли хизмат итининг ёрдами кўп бор қўл келган. Божхоначилар «Гулшан» божхона пункти орқали ўтадиган ҳар бир автоуловни синчковлик билан назоратдан ўтказаётганда, «Бони» «ГАЗ-3102» русумли машинада қўшни республикага кетаётган йўловчи аёлнинг «кашфиёти»ни фош этди.

Қирғизистон фуқароси М.Ашурова махсус кўрикдан ўтказилганида, унинг эгнидаги камзул қатига 6 килограмму 840 грамм героин яшириб қўйилгани аниқланди.

Ҳалол хизмати учун «Бони» рағбат, оғуфуруш эса жазо оладиган бўлди.

(ЎзА).

Биласизми?

ҲИНД ОЛИМЛАРИ «ДАРЁ»СИ

Ҳинд олимлари ўз тилларида Абу Райхон Берунийни «дарё» деб аташаркан. Негаки, Беруний «Ҳиндистон» номли машҳур китобини ёзиш учун ҳинд тилини синчиклаб ўрганган. У ўз китобини араб тилида битса-да, ҳинд асарларидан фойдаланган.

Улуғ олим ҳиндларнинг тили, тарихи, фанмаданиятини ўрганишдаги қийинчиликларни енгиб, ҳинд маданияти мутахассиси бўлолганини ёзади.

Берунийнинг бир қанча тиллардан қилган таржималари ҳам кўп. Унинг ҳинд тилидан араб тилига таржима қилган ва ҳозиргача фан оламига маълум бўлган асарлари анчагина. У ҳинд ҳикоялари тўплами — «Калила ва Димна»нинг таржимасидаги нуқсонларни айтиб, ўзи шу асарни қайта таржима қилишга орзуманд эканлигини билдирган. «Калила ва Димна» номи билан машҳур бўлган «Панчатантра» китобини таржима қилишни жуда ҳам истар эдим, деб ёзган эди у.

АНТИҚА КЎЛ

Жаҳондаги энг ажойиб-ғаройиб кўллардан бири бўлган Байкалнинг узунаси 636 километр ва эни 79 километр бўлиб, Голландия ва Белгия мамлакатлари ҳудудини бирга қўшиб ҳисобланганда ҳам, бу кўлнинг майдонидан кичиклик қилади.

Ер юзида биронта кўл йўққи, чуқурлиги жиҳатидан унинг олдига туша олсин (энг чуқур жойи 1741 метр).

Байкалда 1500 тур ҳайвон яшайди. Шунисиси қизиқки, бу турларнинг 70 фоизчаси дунёнинг мазкур кўлдан бошқа бирон жойида учратилган эмас.



ШАҲАРГА САЁҲАТ

Воқеий ҳикоя

— Насиб қилса, эрта бозор куни ҳаво яхши бўлиб турса, сени шаҳарга олиб тушаман, - деди эри эрталаб этигини кияётиб.

Шаҳарга! Худди шу заҳотиёқ қуёш янада чарақлаб кетди. Заррин нурлар дераза ойналарини ёриб ўтиб, аста пишиллаб ухлаётган ўғилчасининг дўмбоқ юзларида, хилма-хил патнису идишлар терилган жавон, токчаларда липиллай бошлади. Бировга айтсанг, кулиши турган гап. Лекин ўзингга-ўзинг қайта-қайта такрорласанг ҳам бўлаверади, у шаҳарни шунақаям, шунақаям яхши кўради-ки!

У шаҳарга икки марта тушган. Янги унаштирилганида бир марта эри билан борган. Вой, тавба, эр дегандан ҳам шунақа уяладими киши! Кўзи тушса, қўрқиб кетаверарди. Шундай ювош, шундай яхши одамдан нега ҳайиқарди — ҳалиям ақли етмайди. Лекин барибир ўшанда яхши бўлган эди. Ёмғир ҳаммаёқни шалаббо қилаётган бўлса-да, секин юришгани ёдида.

Яна бир марта, ҳали жудаям ёш қизчалигида дадаси билан борганини эслайди. Аниқ бир нарса эсида йўғу, аммо шамолда ўйнаётган ранг-баранг пуфаклар, алвонранг гуллару ясанган турли-туман болалар эсида. Ҳар ҳолда, ўшанда байрам бўлса керак-да. Эсида, роса тўйиб музқаймоқ ейишган, бир томчиси қип-қизил атлас кўйлагини доғ қилган, томоғидан алламаҳалгача ширин бир таъм кетмаган.

Икки йил бўлди — эри неча марта шаҳарга олиб тушиб, ўйнатиб чиқаман, деб ваъда беради-ю, вақти бўлмай, вақти бўлса, тўсатдан бирон иш чиқиб қолиб, хуллас, бу ният амалга ошмасди. Эри бир сўз бердими — қанча вақт ўтиб кетса ҳам сўзидан қайтмайди.

Ишқилиб, эртага бугунгидай ҳаво очилиб турсин-да! Ахир эри, «Ҳаво яхши бўлиб турса...» деди-да.

Шундай хаёллар билан бўтана сув тошиб ётган ариқчадан ҳатлаб ўтди. Пахса деворни ёнлаб ўтиб, қўшнисиникига чиқди.

— Хаҳ, намунча чирқиллайсанлар, зумрашалар! - Ичкаридан қўшнисининг асабий қичқиргани эшитилди.

Бу овозни эшитиб, у таққа жойида тўхтаб қолди. Бир пайт остонада қўшниси пайдо бўлди..

Адолой қўшнисининг шишиб қизарган кўзлари, пир-пир учаётган пўрсилдоқ лабларига қараб туриб, хушхабарни айтишнинг ўрни эмаслигини сезди.

— Руҳит: «Ўн саккиз яшар қиз олиб келаман», деяпти... - Вазира лабини тишлаб, юзини четга бурди. Катта, шишинқираган юзларига кўзларидан дув-дув ёш оқа бошлади.

— Вой, қўйинг-э! - У нимадир нашъа қилиб, хохолаб кулиб юборди. - Руҳиддин ака ҳазиллашгандир-да.

— Ҳазил бўлса кошки эди, - дея бурнини тортганича кўз ёшларини артди қўшни. - Кошки эди.

— Мастлигида айтса айтгандир-да, эркак киши.

— Маст эмасди, маст эмасди... - дея такрорларкан Вазира бармоқларини алам билан қарсиллатди.

Уйда бола ҳарҳашаси авжига чиқиб, Вазира қарғанганича, унинг юпатишига ҳам қулоқ солмай, югуриб ичкарига кириб кетди. Хушхабарни ҳам мушук еди: «Тавба, эси жойидами ўзи эрининг?! Ўн саккиз яшар қизни кўнгиллари тусаб қопти-да!»

— Ҳа, Адол, тушингни сувга айтяпсанми? - Ўгирилиб қараса, ёнгинасида елкасида обкаш, Рихси хола турибди.

«Кесатиқсиз гапни билмайди. Бутун маҳаллага қайнона».

— Ғанингиз мени шаҳарга оптушмоқчи, - деди зўрға севинчини яшириб.

Хола «тарақ» этиб, бўш челакларини ерга қўйди.

— Хаптобусда кўнглинг бориб келмайдими? - деди у шанғиллаб. - Анув Ҳакима гаранг борку, ҳар борганида қўлига халта оливоларкан...

Хола сўнгги жумлани овозини пасайтириб айтди.

— Ўла-ар... - деди Адолат секингина.

Кечга томон осмонда сийрак булутлар қанот керганича ёйила бошлади. Тўсатдан шамол турди. Ҳовлининг бурчагида улоқчалар совқотибми, подага қўшилган онаси эсига тушибми, зорлана бошлашди: мэ-э, мэ-э...

Эри осмонда булутлар сезилмай, юлдузлар кўринмай қолган пайтда келди.

— Иш кўп-да, - деди ҳорғин кўрпачага чўзиларкан.

Осмонни оловли ханжар тилиб ўтгандек бўлди. Бирдан ханжардан азоб чеккандай осмон гумбурлай кетди. Ташқарида ёмғир шовиллаб, дераза ойналарини тарақлата бошлади.

Эртага эса бозор куни. Эрининг феълини билади: «Ҳаво очиқ бўлса...» - деди-ку, ахир. Хаёлида тинмай елаётган автобусу троллейбуслар бирдан тўхтаб қолди. Ранг-баранг пуфакларни ёмғир чертиб, «пақ-пақ» этиб ёра бошлади.

— Ҳай, туринг, - дея у негадир эрини уйғота бошлади.

Эри бошини қашиганича девор томонга ўгирилиб олди, уйқусираганича алланималар деб ғўлдиради.

— Турсангиз-чи, ахир! - дея беихтиёр аламдан қичқириб юборди у. - Ёмғирни қаранг ёғишини, овозини хунуклигини-чи...

— А, нима, нима? - Эр сапчиб кўзини очди. - Нима дейсан?

— Ёмғир, ёмғир ёғяпти... - У ўпкасига нимадир тўлиб, ҳиқиллаганича йиғлаб юборди.

Эрининг уйқули кўзлари унга бефарқ тикилди.

— Ҳе... - у ғўлдираб яна бошини ёстиққа ташлади.

* * *

Токчада турган соат жон-жаҳди билан жиринглай кетди. Эр эснаганча соат тугмачасига қўл чўзди, кўзларини ишқалай-ишқалай ён-верига аланглади.

— Адол!

Нариги уйдан хотинининг «Ҳм?..» - деган овози эшитилди. Бирпасдан кейин эшикда ўзи пайдо бўлди.

— Бўлмайсанми? - дея эри негадир хижолатомуз жилмайди.

— Ёмғир ёғяпти-ку, - деди у, аммо ўзи умидвор кўзларини эрига тикди. Назарида бирдан яна осмонда турли-туман пуфаклар ела кетди.

Ташқарида эса ёмғир ёғмоқда.

— Ҳе, - дея яна илжайди эри, - кийин дарров, тош ёғмайдими!..

Маъсума АҲМЕДОВА.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Федерация кенгашининг собиқ раиси Ҳулкар Жамоловга волидаи мухтарамаси

АНОРХОН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122.

1 2 3 4 5 6